

Ўзбекистон Республикаси  
Кашкадарё вилояти  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ  
"QASHQADARYOKONSAUDITINFORM"  
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Сана: 31.03.2016 й

«Аланга» АЖ бошқарувиغا

«Аланга» АЖ нинг  
2015 йилги молиявий ҳисоботларига  
АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Буюртмаси: «Аланга» АЖ  
Рахбар: Маматов Б.Н.  
ИНН: 200669894 ОКОНХ: 71912

МЧЖ «Qashgadaryo Kons AuditInform» аудиторлик ташкилоти Эргашева Зебо томонидан «Аланга» АЖ нинг 2015 йил 1 январдан 31 декабрга қадар булган даври учун тайёрланган молиявий ҳисоботлари аудиторлик текширувидан утқазилди.

Аудиторлик текширувидан молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун ҳужалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти масъул ҳисобланди. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувидан утқазилган молиявий ҳисобот буйича берган хулосаси учун масъул саналади.

Биз аудиторлик текширувини «аудиторлик фаолияти тугрисида» Қонун ва аудит Миллий андозаларига мувофиқ утқаздик. Аудит Миллий андозалари биз томонимиздан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларини молиявий ҳисоботда жиддий бузилишлар мавжуд эмаслигига етарли ишончни таъминлашимиз кераклигини тақозо этади.

Аудиторлик текшируви ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги, Уларнинг қонун ҳужжатларига шунингдек, молиявий-ҳужалик фаолиятнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида утқазилди. Биз томонимиздан утқазилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асос беради, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча «Аланга» АЖ нинг 2015 йилги молиявий ҳисоботлари муҳим жиҳатлар буйича унинг молиявий ҳолатини ишонарли ақс эттиради.

Жамият томонидан амалга оширилган молиявий ва ҳужалик муомалари Ўзбекистон Республикасида амалда булган бухгалтерия ҳисоби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ келади.

Жамият бош директори,  
Аудитор-



З. Эргашева